

МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 3 2019 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Муратбай ЖУМАНОВ
Кеңесбай СЕЙДУЛЛАЕВ
Норбек ТАЙЛАКОВ

Шөлкемлестириўшилер:
*Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы*

**Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен 2007-
жылы 5-мартта дизимге алынды
№ОА-044-санлы гүўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим хәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилюйи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

MAZMUNY

ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

Бекбергенов Қ. А. Қарақалпақ тилинде жуп келбетликлердиң жасалыўы	4
Исроилова Р. Узлуксиз таълимда она тилини лойихалаш муаммоси	7
Бекмуратова Н. А. Об усвоении речевого материала в процессе обучения иностранному языку	13
Nurmuratova Н.Ҳа. Types and features of learning styles	14

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Содиқова Ф. М. Ўқитишнинг ноанъанавий таълим технологиялари	18
Муслимов Ш.Н. “Технология” фани ўқитувчиси фаолиятида касбий-график компетентликка эғаликнинг аҳамияти	22
Ҳайитов О.Э. Бошқарувда захира кадрларини танлаш: тажриба ва муаммолар	27
Karimov A.A., Abduraximova F., Ashirbayev A.O. Grafik fanlarga tayyorgarligi past bo‘lgan talabalarning grafik kompetentligini shakllantirish muammolari	31
Ниёзметова Р.Х., Тажбенова С. С. Бошланғич синф ўқитувчисининг компетентлигини ривожлантириш	36
Ниёзметова Р. Адабий таълимда ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш	38
Ибрагимова Г. Н. Развитие компетентности личности в учебном процессе	45
Очилов Ф. И. Компетенциявий ёндашувни бошланғич таълим жараёнига жорий қилишнинг метод ва шакллари	48
Артиқова М. Б. Оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тadbirkorlik кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари	52
ZokirovaSh. Umumiy fortepiano sinfida zamondosh kompozitorlar asarlarining oqitilishi	60
Сарсенбаева Р.М. Меҳнат таълими атамаларининг узвийлиги ва бошқа фанлари билан ўзаро алоқадорлиги	66
Рузметова Х.А. Эффективная организация духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения	70
Исроилова М.Н. Инновационные технологии в образовании	72
Бердибаев М.С. О Реализации творческого потенциала будущего педагога	75

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Гүлямова Н.М. Ўқувчи-ёшларга физика фанини ўқитишда замонавий технологиялардан фойдаланиш	78
Карлыбаева Г. Физикани ўқитиш муаммолари	82
Жумаев М. Nomanfiy butun sonlar ustida arifmetik amallar bajarishda kompetensiyaviy yondashuv	85
Mirzayev A.O’. Muhandislik institutlarida talabalarni oliy matematika fanini o‘qitishda kasbiy kompetensiyalarini shakllantirishning maqsadlari va istiqbollari	92
Abduvaliyev N.A. Oliy matematika fanidan oraliq nazoratlarni tashkil etishda bo‘lajak muhandislarning kreativ qobiliyatlarini shakllantirish	95
Карлыбаева Г.Е. Физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари	97
Рахматова Ф. Математика фанини ўқитишнинг дидактик таъминоти	100
Матжанов Н. Физика ўқитишнинг касбий йўналувчанлигини таъминлаш	104

РЕЗЮМЕ

Мақола график fanlarga tayyorgarligi past bo'lgan talabalarning grafik kompetentligini shakllantirish muammolariga bag'shlangan. Grafik fanlarni o'rganish qiyinligi va ularni bartaraf qilish ko'rsatilgan.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается проблемам формирования графической компетентности у студентов с заниженным уровнем подготовки по графическим дисциплинам. О причинах трудности изучения графических дисциплин студентами и об их устранении.

SUMMARY

The Article is denoted problem of the shaping graphic competent beside student the with understated level of preparation on graphic discipline. O reason of the difficulty of study of graphic discipline student and about their removal.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ниёзматова Р.Х.

п.ф.д.профессор

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тажбенова С. С.

Нукус давлат педагогика институти ассистент ўқитувчиси (PhD)

Таянч сўзлар: компетенция, бошланғич таълим, ўқитувчи, модернизация, концептуал, таълим муассасаси педагог ходимлари, академик билимлар.

Ключевые слова: компетентность, начальное образование, педагог, модернизация, концептуальные, педагогические кадры образовательного учреждения, академические знания.

Key words: competence, primary education, teacher, modernization, conceptual, teaching staff of an educational institution, academic knowledge.

Ҳозирги кунда таълим муассасаси педагог ходимларни таълим сифатини бошқаришнинг концептуал муҳим усулларидан бири-касбий таълим мазмунини модернизациялашда компетентли ёндошувни амалга оширишдир. Республикамиз мустақиллиги туфайли иқтисодиётимизнинг барча соҳалари, жумладан, таълим тизими ислоҳ қилинмоқда. Замонавий жамиятга ва кейинги ҳаётга кириша оладиган, олдида пайдо бўлган ҳар қандай ҳаётий ва касбий муаммоларни амалий ҳал эта оладиган педагоглар зарур. Биринчи президентимизнинг 1997 йил 29 августда Республика Олий Мажлиси IX сессиясида “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида қилган маърузасида “... бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак”- деб таъкидланган. Иккинчи томондан, фан-техниканинг, амалга жорий этилаётган илғор технологияларнинг жадал ривожланиб бораётганлиги, глобаллашув жараёнида ривожланган давлатларнинг малакали кадрлари билан ҳамкорликда ишлаш лаёқатига эга бўлган кадрларни тайёрлашни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мустақил фикрловчи, ижодкор, ватанпарвар шахсни шакллантиришнинг асосий муҳим омилларидан бири – бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигидир.

Компетентлик (лотинча “competens” – лаёқатли, қобилиятли) деганда шахс касбий билим, кўникма, малакаларнинг профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилишга кодирлиги ҳамда ҳақиқий муносиблик даражаси тушунилади. Бундай лаёқат бошланғич синф ўқитувчисининг ўқишлилик даражаси яъни, қатта ҳажмдаги академик билимларни эгаллаш билан эмас, балки ўз билимларини амалда самарали қўллай олиш қобилиятини билдиради.

Бошланғич синф ўқитувчилари касбий компетентлигини ошириш йўллари бизнингча, қуйидагилар:

- бошланғич синфларда ўқитишнинг асосий вазифалари ва ахборот коммуникация технологияларини билишни ҳамда уларнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва қизиқтирувчи мақсадларига уйғунлиги;
- ўқув дастури ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига мос равишда машғулотнинг макбул мазмунини танлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси, билим ва дастлабки кўникмаларининг шаклланишини олдиндан башорат этиш;
- таълимни самарали ташкил этиш шакллари, амалга ошириш метод ва воситаларини ҳамда назорат қилиб баҳолаш омилларининг макбул таъсирини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш;
- дарсда индивидуал, жуфтликда ва кичик гуруҳларда ишлаш орқали ўқувчиларда ижодий мустақиллик кўникмаларини шакллантириш;
- дарсда мақсад, мазмун, ўқувчиларнинг тайёргарлиги каби омилларга кўра барча дидактик принциплардан уйғун ҳолда фойдалана олиш маҳорати.

Дидактик принциплардан уйғун ҳолда фойдаланиш учун электрон таълим мультимедиа ресурс(восита)лардан ижодий фойдаланиш мумкин.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлиги қуйидагилар асо-сида таъминлаб беради:

- Медиа материаллар: аудио жамланмалар: видеотека. Видеолавҳалар.
- Дидактик материаллар: электрон дидактик материаллар (слайдлар ва постерлар); аниқ жараёни кўрсатиш учун тайёрланган анимацияли роликлар; реал дастурнинг имитатори ёки стимулятори.
- Қўшимча материаллар: ўрганилаётган ўқув предмети ёки мавзу бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар; ўрганилаётган ўқув предмети ёки мавзу бўйича мутахассислар, ҳамкасблар маслаҳатлари.
- Ахборот материаллари: ўрганилаётган ўқув предмети бўйича луғатлар; ахборот ресурс маркази(АРМ) материаллари.
- Баҳолаш материаллари: ўрганилаётган ўқув предмети ёки мавзунини ўзлаштирилиши даражасини аниқлаш учун ишлаб чиқилган меъёр ҳамда мезонлар тизими, электрон база кўринишидаги дастурлар.

Ўқитувчининг касбий компетентлиги ундаги мавжуд қобилият орқали ривожланади, албатта, амалга оширилган фаолиятга боғлиқ тарзда. Бундай фикрларни психолог фикрларида ҳам кўриб ўтамиз, жумладан: М.Г.Давлетшиннинг ишларида ўқитувчида қуйидаги қобилиятлар бўлиши зарурлиги таъкидланган:

- дидактик (фанга қизиқтириш, аниқ ва осон аниқлаш, мустақил фикрлашга ўргатиш); академик (математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва шу каби фанларга хос); перцептив (ўқувчи ички дунёси, рухий ҳолати нозик ҳолатларни тушуниш); нутқ (кечинмаларни нутқ, юз

ифодаси (мимика) ва пантомимика ёрдамида ифодалаш); ташкилотчилик (ўз ва ўқувчиларнинг бир-бирига ҳамкорлик ишларини тўғри ташкил қилиш ҳамда ўқувчиларни жипслаштириш); авторитар (ўқувчиларга ҳиссий-иродавий таъсир ўтказиб, улар орасида обрў орттира билиш); коммуникатив (болалар билан педагогик мақсадга мос мулоқотга киришиш, меъёрни унутмаслик); педагогик мулоҳаза (ўқувчини таълимий ва тарбиявий шакллантириш борасидаги уринишлари натижасини башорат эта олиш); диққатни тақсимлай олиш (бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олиш) қабилар.

Бу қобилиятларни шакллантириш касбий билимларни ўрганиш, кўникма ва малакаларни ривожлантириб бориш натижасида амалга ошади. Касбий малакага эга бўлмаган педагоглар, бошланғич синф ўқитувчилари ёш авлодга зарур ва етарли даражада таълим-тарбия бериш, уларда юксак маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантириш имконига эга бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишда юқорида зикр этилган (омил)ларга устувор масала тарзида эътибор бериш талаб этилади.

Әдебиятлар:

1. Кибанов А.Я. Основы управления персоналом. М., 2003.
2. Охотникова В.В., Суртаева Н.Н. Вопросы коммуникативной компетентности при подготовке специалиста в вузе. СПб., 2002.
3. Хуторской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты: Доклад на отделении философии образования и теории педагогики РАО. 23 апреля 2002. Центр «Эйдос». [URL]: www.eidos.ru/news/compet.htm
4. Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата современного образования // Интернет-журнал «Эйдос». 2006. 5 мая. [URL]: <http://www.eidos.ru/journal/2006/0505.htm> (дата обращения 12.02.2019)

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бошланғич синф ўқитувчисининг компетентлигини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Шу билан биргаликда компетентликнинг асосий тушунчаларига эътибор қаратилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуется компетентность учителя начальных классов. А также уделяется внимание на основные понятие компетентности.

SUMMARY

This article explores the competence of a primary school teacher. And also attention will be paid to the basic concept of competence.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ниёзматова Р.

ТошДЎТАУ, пед.ф.д., проф.

Таянч сўзлар: ўқитиш технологияси, адабий таълим, ҳамкорлик, синергетика, ғоя, жараён, назарий ёндашув, илмий йўналиш, дарслик.

Ключевые слова: технология обучения, литературное образование, синергетика, синергетика, идеи, процесс, теоретический подход, научное направление, учебник.